



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 3 (12.564)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Алло Абдуллаев (УзА) олган сурат

«BELTING REZINA»NING HARIDORGIR MAHSULOTLARI

Мамлакатимиздаги иқтисодий барқарорлик, қулай ишбилармонлик муҳити бизнес субъектлари фаолиятига кенг йўл очмоқда. Буюк Британиянинг бизнес таваккалчиликларни таҳлил қилувчи Maplecroft консалтинг компанияси томонидан Ўзбекистон жорий йилда бизнес учун дунёдаги энг истиқболли 20 давлат қаторига киритилгани ҳам шундан далолатдир.

Ўзбекистонда хориқ сармоёси иштирокида тузилган корхоналарнинг фаол иш юритиши, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариши ва хизмат кўрсатиши борасида яратилган қулай сармоёвий муҳит ва кенг имкониятлар, солиқ ва божхона имтиёзлари берилгани самарасида корхонада ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ошмоқда. 2012 йилда бу ерда 1,1 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2013 йилнинг январь-ноябрь ойларида мазкур кўрсаткич 1,4 миллиард сўмни ташкил этди.

Мамлакатимиз корхоналари ўртасида тобора мустақамланиб бораётган кооперация алоқалари «Belting rezina» масъулияти чекланган жамияти учун ҳам катта имкониятлар яратмоқда. Корхона хомашё харид қилиш бўйича «Ўзкимёсаноат» ва «Ўзбекистон хаво йўллари» каби компаниялар билан яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Мамлакатимизда ва хориқда ўтказилаётган кўргазма ва ярмаркаларда ўз маҳсулотларимиз билан мунтазам иштирок этиб, кўлаб фирма ва компаниялардан ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга оид таклифлар олмақдамиз. — дейди «Belting rezina» масъулияти чекланган жамияти бош директори Сайфулла Қосимов. — Мақсадимиз биз, ишбилармонлар учун яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш ва маҳсулотлар турини кўпайтиришдан, сифати халқаро талабларга мос маҳсулотларимиз билан икки ва ташқи бозордаги ўрнинимизни янада кенгайтиришдан иборат.

Нодира МАНЗУРОВА,
УзА мухбири

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 10 апрелда қабул қилинган «Тўғридан-тўғри хориқий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борадаги ишларни янада юқори босқичга кўтаришда муҳим омили бўлмоқда. Тадбиркорликни ривожлантириш, қулай бизнес муҳитининг ҳуқуқий асосларини мустақамлашга қаратилган доимий эътибор натижасида хориқий шериклар билан ҳамкорликда барпо этилаётган корхоналар сафи йил сайин кенгаймоқда.

Пойтахтимизда фаолият юритаётган «Belting rezina» масъулияти чекланган жамияти шулар жумласидандир.

Италиянинг «Toscana Nastro» масъулияти чекланган жамияти сармоёси ҳисобига 2004 йили ташкил этилган мазкур корхона илғор технологиялар асосида турли ўлчамдаги конвейер ва транспортёр ленталари, ясси, юмалоқ, тишли ва понали қўйишлар, узатма, урчқ тасмалари каби маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш билан шуғулланади. «Belting rezina»да тайёрланаётган маҳсу-

лотлар юқори сифати, санитария-гигиена ва экология талабларига тўла мослиги ва рақобатбардорлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда. Қайд этиш жоизки, илгари бундай маҳсулотлар мамлакатимизга хориқдан келтирилган эди.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган халқаро талабларга мос юқори сифатли маҳсулотлар буюртма асосида харидор талабига ва хоҳишига кўра исталган ҳажмда тайёрланади. «Belting rezina» маҳсулотни etkazиб бериш, сервис ва маслаҳат хизмати кўрсатиш каби ваазифаларни ҳам бажаради.

«Belting rezina» юртимиздаги тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати, логистика, машинасозлик, авиасозлик, ёгончи қайта ишлаш, қадқолаш, матбаачилик, гиламдўзлик, фармацевтика, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш каби қатор соҳаларда фаолият юритувчи кўлаб корхоналар, фирма ва компаниялар билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Бундан ташқари, корхона Германия, Италия, Испания, Франция, Швейцария каби қатор мамлакатлар корхоналари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

2013 йилнинг ёзида Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Академиясининг навбатдаги битирувчиларига диплом ва кўрақ нишонлари топширишга бағишланган маросимда иштирок этдим. Мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган ота-оналар ҳажон билан турибди. Ҳарбий мусиқа садолари янграйди.

— Қаранг, қандай норғул йигитлар-а, — деди бойсунлик отахон формаси ўзига ярашиб турган Академия битирувчиларига ишора қилиб. — Бари келишган, келбатли. Кўз тегмасин!

— Алпомишнинг келбати ҳам шунча бўлгандир-да, — сўз ўйини қилади завқи келиб андижонлик Абдураззоқ ака.

БЕКОР КЕТГАН ИККИ ЙИЛ

Ёши улғурқ юртдошларимиз яхши билади. Собиқ тузум даврида ҳарбий хизмат икки йил бўлиб, 18 ёшга тўлган, тўрт мучаси соғ ҳар бир йигит учун мажбурий эди. Энди мактабни битирган, ҳали бирор касб-корнинг бошини тутиб улғурмаган, аксари ўз кишлоғидан нарини кўрмаган ўспиринлар узок-узок юрларга, ҳалқона қилиб айтганда, дунёнинг нариги четига «Ватан ҳимояси»га жўна-тиб юбориларди.

Ўзимдан қис. Мен ҳарбий хизматга Германияга нега борганим, кимни кимдан, қандай ҳимоя қилганимни, мана, орадан чорак асрдан зиёдрок вақт ўтиб ҳам, тўла англай олганим йўқ. Албатта, биз, аскарлар турли ўлкалардан ва ҳар хил миллат вакиллари бўлганимизга қарамадан, ерли халқ наздида битта — «совейшн» эдик. Қанча ҳаракат қилмайлик, бошқасини билмас, тан олмас эди. Давлатчилик тарихи минг йилларни сўрайдиган, дунё илм-фани тараққиётига, жаҳон ҳарбий санъати ривожига бе-қисс ҳисса қўшган улғур алломо, буюк саркардалар дёри ўзбекистон, ўзбек халқи ҳақида қаёқдан ҳам билсин. Ахир, ўзимиз ҳам бу хусусда, Ўзбекистонда яшашимизни ҳисобга олмагандан, улардан пеш эмас эдик-да. Бир куни асли қайси юртдан эканимни билдириб қўйиш мақсадида сибсий харитадан Термиз шаҳрини кўрсатдим: — Мана шу ерданман, — дедим кўрсаткич бармоғим билан нуқиб.

— О-о-о, ... деб юборди. Гарчи, тилини билмасам-да, нима демоқчилигини ту-шундим.

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

ҲАРБИЙ ХИЗМАТ:

КЕЧА ВА БУГУН

Собиқ тузум даврида юртимиздан армия хизматига ча-қирилувчиларни асосан битта «манзил» — қурилиш ва таъмирлаш батальонлари кутар эди. Жанговар тайёргарлик, ақлий салоҳият талаб этиладиган бошқа ҳарбий қисмлар-га деярли йўл ёйик эди. Бунинг сабаби сифатида «Улғур Ленин» тилини яхши билмаслик вақ қилиб кўрсатилса-да, аслида бу сибсат замирида мавжуд ҳокимиятнинг ишон-чисизлик ва минтақани ўз ичига олади турли шунча юқори малакали ҳарбий кадрлар тайёрлашга йўл қўймаслик мақ-сади ётар эди.

Айниқса, кишлоқлардан борган йигитлар тел муаммоси тудайли кўп қийинчилик ва ҳақоратларга дуч келар, мас-хара бўларди. «Билсанми» саволига «Билсанми» жавоби ҳақдаги латифанамо хангомалар ўша замонлар маҳсули.

Ҳарбий қисмларда чуқур илдиз отиб кетган турли сал-бий ҳолатлар ҳақида ҳамма билардию, лекин ҳеч ким юрак ютиб бир нарсаси деёлмасди. Хусусан, ҳарбий хиз-матчиларни таҳқирлаш, айбдорларнинг жазога тортилмас-дан, аскарларнинг ҳимояси, чорасиз қолишига табиий ҳолдек қараларди.

Бошқача айтганда, жануб қуёшида тобланган чайир йи-гитлар ҳарбий хизмат никоби остида энг оғир ишларга, ҳатто захарланиш даражаси ўта юқори бўлган ҳудудларга жалб қилинган. Умрининг гул фаслини ҳаётда ҳеч қачон зарурат бўлмайдиган ишларга сарфлаган.

Шу тариқа минглаб, миллионлаб ёшларнинг энг завқ-ли, кучга тўлган, орзу-умидларга бой икки йил умри зое кетарди.

— Бекор ўтган икки йил умримга ачинаман, — деганда мени ҳарбийга кузата туриб қўшимиз Мардонқул ака. — Бирор фойдали ишни ўрганиш ўрнига икки йил ўрмонда тўнгиз боққанман.

Яқинда Шанхайда «Замонавий Ўзбекистон Республикаси» сарлавҳали китоб нашрдан чиқди. Ўзбекистон ва унинг тарихи, мамлакатимизнинг замонавий тараққиёти, шунингдек, юртимизда яратилган қулай сармоёвий муҳит ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган мазкур китоб ранг-баранг суратлар билан безатилган.

«ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ»

Унинг муаллифи, Zhejiang Yunfa Import & Export Trade компанияси бошқаруви раиси Ху Фавэй Тошкентда орттирган таассуротларини ўртоқлашар экан, кенг ва озода кўчаларга эга бўлган, замонавий мегаполис ҳисобланадиган пойтахтимизда меҳмондўст ҳамда очикқўнғил ин-сонлар яшашини қайд этади. «Мамлакат аҳоли-си одамларга хайрихоҳлиги, ўқимшилиги, зий-рак ва меҳрибонлиги, Тошкент шаҳри эса ўрта асрларда бунёд этилган ҳамда замонавий би-ноларнинг ўзаро уйғунлиги, яъни меъморий гўзаллиги билан ажралиб туради», дея таъкид-лайди Ху Фавэй.

Ушбу китоб юртимизнинг улкан иқтисодий, сармоёвий ва сайёҳлик салоҳиятига бағишлан-ган бир неча бўлимлардан иборат. Хусусан, унда мамлакатимизнинг бой табиий ресурслари, саноатнинг турли соҳаларида ривожланиш-нинг юқори кўрсаткичлари кўлга киритилаёт-ганига оид атрофли маълумотлар ўз ифода-сини топган.

Китобда юртимиз иқтисодиёти жаҳаларини диверсификация қилиш бўйича амалга ошири-лаётган чора-тадбирлар натижалари таҳлил эти-либ, хориқлик инвесторлар фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратилганига алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, Ўзбекистон ва Хитой-нинг ўзаро тажриба ҳамда илғор технология-ларни алмашиш, юқори қўшимча қийматга эга бўлган турли-туман маҳсулотларни ишлаб чи-қарадиган қўшма корхоналарни барпо қилиш орқали савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгай-тиришдан манфаатдор эканлиги таъкидланади.

Китобдаги «Навоий» эркин индустриал икти-содий зонаси, «Ангрен» ва «Жиззах» маҳсус ин-дустриал зоналарида ишлаб чиқариш, транс-порт ва инфратузилмани ривожлантириш, қола-верса, хом ашёдан то тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришга шарт-шароитлар яратилгани, бизнес субъектлари учун божхона ва солиқ имтиёзлари таъминлангани ҳақида ҳикоя қилинадиган бўлим Хитой ишбилармон доиралари вакилла-рида катта қизиқиш уйғотиши, шубҳасиз.

Мазкур китоб Хитой Халқ Республикаси аҳоли-сининг мамлакатимиз ҳамда унинг қулай сар-моёвий имкониятлари билан яқиндан таниши-шига хизмат қилади.

«Жаҳон» АА
Шанхай



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Нукус гарнизонида 14 январь — Ва-тан ҳимоячилари куни ҳамда Ўзбекис-тон Куролли Кучлари ташкил этилгани-нинг 22 йиллиги муносабати билан Очик эшиклар куни ўтказилди. Бердақ номи-даги қорақалпоқ давлат университети талабалари, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг ўқув курслари тингловчилари, касб-хунар коллежи ва академик лицей ўқувчилари иштирок этган тадбирда Президенти-миз раҳнамолигида мамлакатимиз му-дофаа тизимида амалга оширилаётган туб ислохотлар самарасида халқимиз-нинг тинч-осуда ҳаётини, сарҳадлари-миз дахлсизлигини таъминлашга қодир замонавий ва профессионал миллий ар-миямиз шаклланиши таъкидланди.

• Сурхондарё вилоятида 810 оила янги йилни намунавий лойиҳалар асо-сида барпо этилган янги уйларда ку-тиб олди. 2014 йилда Ангор туманида-ги Наврўз, Денов туманидаги Пастқи-зилжар, Олтинсой туманидаги Хидир-шо, Сарийосиё туманидаги Сарийўй, Қумқўрғон туманидаги Боймоқли каби ўндан ортиқ янги массивларда замо-नावий уй-жойлар қад ростлайди.

• Наманган тумани Маънавият ва маърифат кенгаши ҳамда республика Маънавият тарғибот маркази туман бўлимнинг иш тажрибасини оммалаш-тиришга бағишланган амалий кўргаз-мали семинар бўлиб ўтди.

• Андижон вилоятининг Қорасув ша-ҳар тиббиёт бирлашмаси даволаш кор-пусининг уч қаватли янги биноси фой-даланишга топширилди. Бунёдкорлик ишларига 2 миллиард 252 миллион сўм маблағ сарфланди. Бу ерда шoshiлиқ тиббий ёрдам маркази, 65 ўринли ши-фоҳона, шаҳар тиббиёт бирлашмаси фаолият кўрсатади.

• Қорақалпоғистон Республикаси Қанлиқўл туманидаги 19-болалар му-сика ва санъат мактабининг янги би-носи фойдаланишга топширилди. Бино қурилишида тумандаги «Давр қурилиш» масъулияти чекланган жамияти бунёд-корлари 2 миллиард 210 миллион сўмликдан ортиқ қурилиш-монтаж иш-ларини сифатли бажарди. Замонавий меъморчилик андозалари асосида бунёд этилган янги бинода 210 ўринли концерт зали, ҳар бир йўналиш бўйича маҳсус жиҳозланган синфхоналар ўқув-чилар ихтиёрига топширилди.

ЖАҲОНДА

• Италия бозорлари ФИАТ автомо-биль компанияси томонидан Америка-нинг улкан «Крайслер» автокорхонаси-ни тўлалигича харид қилишини тўғри-сидаги янгиликни ижобий тарзда қабул қилишди. ФИАТ битимни охирига ет-казишга розилик билдирди ва қолган деярли 41,5 фоиз акцияларни 3 мил-лиард 650 минг долларга сотиб ола-диган бўлди. Гап шундаки, «Крайслер» активларининг катта қисмини ФИАТ 2009 йилдаёқ харид қилган эди.

• Кеча Хитойнинг шимоли-шарқий қисмида жойлашган Шэньси музофо-тида йўловчи автобусининг портлаши натижасида уч киши ҳалок бўлди, йи-гирма тўрт нафар йўловчи турли да-ражадаги тан жароҳатларини олди. Ҳозирда автоҳалокат сабаблари аниқ-ланмоқда.

• Ҳиндистоннинг Гоа штатида қури-лиши тугалланмаган беш қаватли би-нонинг тўсатдан кулаб тушиши нати-жасида камида беш нафар қурувчи ҳаётдан кўз юмди. Ҳозирда фалокат жойида кутқарув ишлари амалга оши-рилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

ҲАРБИЙ ХИЗМАТ:

КЕЧА ВА БУГУН

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ислом Каримов 1990 йил 5 июнда сўзлаган нутқида бундай деди: «Биз, армия хизматига салбий муносабатни келтириб чикарган сабабларни бартараф этиш учун оми...

Албатта, Ислом Каримовнинг бу қадар жон куйдиришига асослар етарли эди. Чунки, биргина 1989 йилнинг ўзид...

Ўртабосимизнинг юқоридagi сўзлари кўп ўтмай амалда ўз ифодасини топди. Яъни, 1990 йил 4 сентябрда Президентимиз республика ёшларининг ҳарбий хизматини ўташ тартибларини такомиллаштириш тўғрисидаги Фармонга имзо че...

Ўзимизнинг Алишер Мен хизмат қилган ҳарбий қисмда бир ўзбек офицери бўлар, негадир ўзини биздан олиб қочарди. Ўзимизча унд...

ЎЗИМИЗНИНГ АЛИШЕР

Мамлакатимизда кўтаринки руҳда ўтаётган Янги йил шодиёналари халқимиз, айдиқна, болаларга катта қувонч ва шодлик бахш этаётир. Тошкент давлат мусиқали комедия театрида ўтказилган байрам тадбирини ҳам кичкинтойларга ажойиб тўхфа бўлди.

Тошкент шаҳар ички ишлар бoш бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи, полковник Собиржон ИРИСБЕКОВ пoйтaхтимизда бу борада амалга ошириладиган ишлар хусусида ўзА муҳбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

Янги йил шукуҳи

БОЛАЛАРГА АТАЛГАН СОВФАЛАР

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани ҳокимлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва Республика Маънавият тарғибот марказининг ҳудудий бўлими...

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ижтимоий келиб чиқиши ва миллатидан қатъи назар, ҳар бир ўғил-қизга алоҳида меҳр ва ғамхўрлик кўрсатиши, уларнинг қизиқиши ва интилишларини рўёбга чиқариш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда...

Байрамга атаб театрлаштирилган сахна кўринишлари намойиш этилди. Шўх уйинлар шодон куй-қўшиқларга; қувноқ шеърларга уланди. Маҳоратли ижро, бадиий-муслиқий дастурлар қатнашчиларга катта заъв улдури.

Б.МЕЛИКУЛОВА

рига нисбатан бўладиган ноҳақликларни, таҳқиру тўхматларни кўрмаслик, эшитмаслик учун чорасизликдан, ожизликдан шундай қилар экан.

Собик тузум даврида олий ҳарбий билим юртиларида миллий офицер кадрлар тайёрлаш аскарликдан ҳам аянчли аҳволда бўлиб, битирувчилар орасида маҳаллий халқ вакиллари жуда озчилиги ташкил қилар эди. Бунга ўша давр статистикасида ақвол кузатиш мумкин.

Республика ҳудудида жойлашган ҳарбий қўшилма ва қисмлар ўзбекистон тасарруфига ўтган даврда маҳаллий ҳарбийлар 30 фоиздан ошмас эди. Ҳозир Қуролли Кучларимиз таркиби 100 фоиз маҳаллий кадрлардан иборат.

Мен дунёдаги энг бахтли оталарданман, — деди Ўзбекистон Қуролли Кучлари Академиясида 2013 йил ўзида ўтган ўша тантанادا сурхондарёлик 83 ёшли Ҳайитбой ота.

Бутун аҳдоди тўртта қўйнинг орқасига қараб ўтган мендай оддий чўпоннинг бир ўғли, икки набираси мустақиллик туфайли ҳарбий бўлди. Ўғлим — ҳарбий учувчи, майор. Осмонда вертолёт кўринса, ана, менинг ўғлим, дейман чолларнинг олдида гердайиб. Қишлоқ-чи, — ана, бизнинг Алишер — ўзимизнинг Алишер, Ҳайитбойнинг ўғли, дейди озгини тўдириб. Шундай кезларда ичимга сизгамай, ёшариб кетаман. Етказганига шукрона айтиб, шундай саодатли кунларга сабабчи бўладиган муҳтарам Ўртабосимизни дуолар қиламан.

Набирам Умиджон, ҳу ана, биринчи сафда турган новча майор. 2009 йили Президентимизнинг Фармонига қўра «Жасорат» медали билан тақдирланган. Иккинчи набирам Абдиқолиқ — сержант, Чирчиқни битирган, Фарғонада хизмат қилган.

Мақтабда ўқитувчи бўлиб ишлайдиган синфдошим Бибисора айтади: — Ҳар йили битирувчи синфларга «Ким бўлсан экан?» мавзусида ишчи ёздираман. Қишлоғимиз ёшлари орзу қиладиган касблар орасида Ватан ҳимоячиси бўлишдек шарафли касбга қизиқиш йил сайин ортиб бормоқда. 2013 йил битирувчилари орасида 6 нафари ҳарбий соҳага қизиқишини баён этган. Ҳатто бир қиз ҳам бор.

Ҳозирги ёшлар бунга тасаввур этиши қийин. Биз ёзган ишларда бу касб умуман учрамас, ҳарбийлик биз учун гўё бегона эди. Сабаби, коммунистик мафкура туфайли аждодларимиздан мерос Ватан ҳимоясидек ажойиб фазилат даярили унут бўлиб кетганди. Одамлар, умуман, миллатнинг қиёфаси ўзгариб, миллий рух, миллий гурур, миллий ифтихор, миллий орзу-ниятлар ҳам гўё бизни тарк этган эди.

Миллий истиқлол туфайли ана шу улугвор туйғулари бари ўзимизга қайтди. Бугун ота-оналар ўз фарзандининг ҳарбий соҳани танлашини, Ватан ҳимоячиси деган юксак шарафга ноил бўлишни истамоқда. Амир Темур бобомизнинг мангу руҳи, тенгсиз ҳарбий салоҳияти, ақл-заковати ёр бўлган ёшларимиз Ватан ҳимоясини энг шарафли касб, деб билмоқда. Президентимиз раҳнамолигида изчил амал...

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 4 декабрда қабул қилинган фармойишига мувофиқ 2013 йил 15 декабрдан — 2014 йилнинг 15 январигача мамлакатимизда Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги ўтказилмоқда.

ўрнатилиб, эскирганлари таъмирланди. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда нафақат ҳайдовчилар, балки пиёдалар, айникса, болалар ўртасида профилактик тадбирларни амалга ошириш муҳим

лари, «Ёш автоназоратчи» гуруҳлари ташкил этилган. «Диққат, болалар!», «Таътил», «Диққат, пиёда!», «Яшил чирок» каби тадбирлар ёшларга йўл қондаларини кизикarli мисоллар билан тушунтиришга хизмат

ортиб бораётгани йўл ҳаракати хавфсизлиги қондаларига қатъий амал қилишни тақозо этади. Гоҳ ҳайдовчилар, гоҳ пиёдаларнинг айби билан турли йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлаётгани ана шу қондаларга амал қилмаслик, масъулиятсизлик оқибатидир. Баъзи ҳайдовчилар рулга ўтирар экан, нафақат ўзи, балки машина салонидagi бошқа кишилар, ён-атрофдагилар ҳаёти учун ҳам масъул эканини чуқур ҳис этмайди. Шаҳримиз кўчаларида ҳар куни содир бўладиган айрим қоидабузарликлар шундан далолат беради.



аҳамиятга эга. Чунки йўл қондаларини барча яхши билиши ва уларга тўла амал қилиши зарур. Шунинг учун давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари кўчаларда транспорт воситалари ва пиёдаларнинг хавфсизлик қондаларига риоя этишини назорат қилиш билан бирга, йўл ҳаракати қондаларига оид белгилар ёрқинроқ акс эттирилмоқда.

Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги доирасида пойтахтимизда бу жиҳатларга эътибор янада кучайтирилди. Хавфсизлик қондалари билан боғлиқ йўл белгилари ва воситалари ана бир бор кўриқдан ўтказилди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. Жумладан, кўчаларга кўплаб янги йўл белгилари қилмоқда. Ойлик доирасида бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтирилди. Ҳар бир маҳаллага бириктирилган соҳа ходимлари киши таътил пайтида болаларни йўл ҳаракати хавфсизлиги билан боғлиқ қизикarli машғулотларга жалб этиб, уларнинг билими ва ҳушёрлигини оширишга ҳаракат қилмоқда.

Бироқ кўриладиган жиддий чораларга қарамай, йўл ҳаракати хавфсизлиги қондаларига бепасанд муносабатда бўлиш ҳолатлари хали-ҳамон учраб турибди. Йўлларда транспорт воситалари қатнови йилдан-йил қилмоқда. Ойлик доирасида бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтирилди. Ҳар бир маҳаллага бириктирилган соҳа ходимлари киши таътил пайтида болаларни йўл ҳаракати хавфсизлиги билан боғлиқ қизикarli машғулотларга жалб этиб, уларнинг билими ва ҳушёрлигини оширишга ҳаракат қилмоқда.

Норгул АБДУРАИМОВА Ёзиб олди.

БУЮК АЖДОДАРИМИЗНИНГ МУНОСИБ ДАВОМЧИЛАРИ

Биз яшаётган олам қандай яралгани ва тузилгани, унда одамзот қандай ўрин тутгани инсонни азалдан қизиқтириб келган. Айникса, кўшнинг қиқиши ва бо...

Ғарб ва Шарқ цивилизациясини боғлаган Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон азалдан ўзининг буюк олим мутафаккирлари билан донг таратган. Жаҳон илми...

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда нафақат буюк аждодимиз хотирасини абадийлаштириш ва бой меросини ўрганиш, балки унинг илмий изланишларини муносиб давом эттириш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Мирзо Улуғбек номидаги Астрономия институти бу борадаги ишларга муҳим ҳисса қўшиб келаётир. Бой тарихга эга мазкур институти Марказий Осиёдаги қўна илмий муассасалардан бири. Институти ходимлари астрономия, астрофизика, коинот технологиялари ва янги астрофизик йўналишда турли тадқиқотлар олиб боради. Амалга оширилётган вазифаларнинг аксарияти муҳим амалий аҳамиятга эга. Марказий Осиё минтақасидаги аҳоли пунктларининг географик жойлашувини аниқлаш, вақтни аниқ белгилаш хизмати, Қўёш ва унинг фаоллигини мониторинг қилиш ҳамда бошқа кўплаб ишлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон техник ва технологик тараққиётга монанд ривожланмоқда ва астрономик тадқиқотлар, шунингдек, илмий-фаннинг ўшбу соҳаси учун кадрлар тайёрлашда дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Мирзо Улуғбек номидаги Астрономия институти директори, физика-математика фанлари доктори, профессор Шўҳрат Эгамбердиев. — Бунга давлатимизнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, халқаро ҳамкорлиқни ривожлантириш ва чет а инвестициясини фаол жалб этиш ҳисобидан эришилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 7 августда қабул қилинган «Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқарилиш такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2010 йил 2 ноябрдаги «Олий маалали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорларида мамлакатимизда астрономия фанини ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини такомиллаштириш, таълим тизимида тадқиқотлар олиб бориш учун қўлай шaroитлардан самарали фойдаланиш, халқаро илмий ҳамкорлиқни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгиланган.

Янги пайтда Астрономия институтида тадқиқотлар Майдан астрономия обсерваториясиндан олинган кузатув маълумотлари асосида амалга оширилмоқда. Мазкур обсерватория Самарқанддан 120 километр узоқликда, Помир-Олой тоғ тизмасининг ғарбий тармоғида, денгиз сатҳидан 2700 метр боландликда жойлашган. Канаар (Европа) ва Гавай (АҚШ) оролларидаги йирик халқаро обсерваториялар ўртасида жойлашган Майдан юқори сифатли атмосфера шарoитлари туфайли астрофизик объектларни узулксиз кузатиш учун гоят муҳим нукта ҳисобланади.

Халқаро экспертларнинг фикрича, Майдан обсерваторияси атмосфера тасвири сифати ҳақида кўп йиллик кузатув маълумотлари банки мавжуд бўлган жаҳондаги тўртинчи обсерваториядир. Майдан обсерваторияси 2001 йилдан буён ёш юлдузлар кузатувчилари жамоаси таркибига киритилган бўлиб, бу борадаги ишлар Уэлслин университети (АҚШ) билан ҳамкорликда амалга оширилади. 2008 йилда бу ерда МДХда ягона роботлаштирилган «АТ» телескопи ўрнатилди. Телескоп Ер шарининг исталган жойидан туриб, масофадан бошқариш орқали автоматлаштирилган астрономик кузатувлар ўтказиш имконини беради.

Ўзбекистонлик ва хориқлик олимлар бу телескоп ёрдамида кўплаб лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этмоқда. Ушбу лойиҳалар доирасида ёш юлдузлар ва Қўёш тизими ташқарисидagi сайёралар кузатилиб, атмосферадаги яқса юлдузлар ва қўш ҳамда каррели тизимлар таркибига кирадиган юлдузларда рўй берадиган динамик жараёнлар ўрганилиб, бошқа йўналишлардаги ишлар тадқиқ этилмоқда. Шунингдек, Майдан обсерваторияси ўзининг қўлай жойлашуви ва атмосфера шарoити туфайли Ер шарини ўртача хароратини мониторинг қилиш бўйича халқаро дастурда иштирок этмоқда.

2007 йилнинг октябрида Майдан обсерваториясида кашф этилган янги кичик сайёра институти фаолиятидаги муҳим воқеалардан бири бўлди. 2009 йилда ушбу сайёра 210271 рақами билан халқаро каталогда рўйхатга олинди. 2010 йилда эса Президентимиз Ислом Каримовнинг тақлифига биноан Гарвард кичик сайёралар маркази унга астрономия соҳасидаги дастлабки инновациялар яратилган шаҳар — «Самарқанд» номини берди.

Ўзбекистонлик олимлар назарий астрофизика соҳасида салмоқли натижаларга эришмоқда. 1996 йил Тошкент шаҳрида ердаги «TON» халқаро гелиосейсмология станциялар тармоғи ускунаси ўрнатилиб, Қўёшнинг ички тузилишини ўрганиш учун «К Са» линиясида маҳаллий қўёш ўзгаришларини ўрганиш бошланди.

Албатта, бу ютуқларни тегишли илмий кадрлар салоҳиятсиз тасаввур этиб бўлмайди. Истиқлол йилларида Мирзо Улуғбек номидаги Астрономия институти ҳузурда мамлакатимиз олий ўқув юртилари учун илмий-таълим обсерваториялари ва астрономия-ахборот ресурслари тармоғи ташкил этилди. Бугунги кунда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети, Самарқанд ва Қарши давлат университетларида «Астрономия», Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Жиззах, Қўқон, Навоий ва Нукус давлат педагогика институтиларида «Физика ва астрономия» мутахассислиги бўйича бакалаврлар тайёрланмоқда.

2009 йилда буюк олим ва мутафаккир Мирзо Улуғбек таълимнинг 615 йиллик муносабати билан Астрономия институти ҳузурда Астрономия музейи очилди. Музейнинг бой экспозициясида Мовароуннаҳр ва Европа олимларининг астрономияни ривожлантириш босқичлари ва илмий тадқиқотлари ақс этирилган. Турли ҳужжатлар сақланган ушбу музейда приборлар, телескоплар ҳам бор. Бу ерда девор квадрант макети — Мирзо Улуғбек обсерваториясининг буюк мутафаккир давридаги астрономик кузатувлари ҳақида тўлиқ ахборот берадиган асосий ускуна алоҳида ўрин эгаллади.

Институтида амалга ошириладиган ишлар илмий ишланмаларни амалиётга самарали жорий этиш ва пировард натижада, халқимиз фаровонлиги ва иқтисодий-иқтисодий юксалтиришга қаратилган. Келажакда соҳа мутахассислари ўз сайёра-харакатларини астрономия ва астрофизика соҳасидаги тадқиқотлари юксак савияда амалга ошириш, илмий ва амалий тадқиқотларнинг янги истиқболли технологияларини ўзлаштириш ҳамда татбиқ этишга йўналтиради. Уларнинг мазкур тадқиқотлари, ўз навбатида, иқтисодий-иқтисодий соҳани янада ривожлантириш ва Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини оширишга хизмат қилади.

Виктория ЛЕВИНА Ёзиб олди.

2014 йил — Соғлом бола йили

Мана, ўн саккизинчи йилдирки, мамлакатимизда ҳар бир йил ижтимоий йўналишдаги бир ном билан атаб келинади. Юртбошимиз «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, кудратли элнинг фарзандлари соғлом бўлур», дея таъкидлаганларидек, ана шу йиллар муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурларининг аксарияти замирида у ёки бу даражада келажак авлод равнақи, демакки, уларнинг соғлиғи билан боғлиқ масалалар ҳам ётади.

Аёнки, аҳолисининг учдан икки қисмини ёшлар ташкил этадиган мамлакатда «Инсон манфаатлари йили» (1997)нинг мазмун-моҳиятини бусиз тасаввур қилишнинг асло иложи йўқ. «Оила йили» (1998), «Аёллар йили» (1999), «Мустаҳкам оила йили» (2012), «Обод турмуш йили» (2013) Давлат дастурлари ҳам, жумладан, бола тарбияси учун яхши шароитлар яратиш масалаларини ҳам қамраб олган эди.

«Обод маҳалла йили» (2003), «Меҳр ва мурувват йили» (2004), «Ижтимоий ҳимоя йили» (2007), «Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» (2009), «Кичик бизнес ва тадбиркорлик йили» (2010) Давлат дастурларида ҳам ёшлар, жумладан, болалар манфаатлари, уларни маънан етук, маърифатли ва жисмонан баркамол қилиб юзга етказиш, саломатлигини мустаҳкамлаш билан боғлиқ муаммолар ечими кўзда тутилгани ёдингизда бор. Биргина «Обод турмуш йили» Давлат дастури моҳиятига ана шу жиҳатдан назар ташлаганда ҳам кўп нарса ойдинлашади.

Бу жиҳатдан тўртта йилга бағишланган Давлат дастурлари алоҳида ажралиб туради: 2000 йил бевосита «Соғлом авлод йили», 2001 йил «Оналар ва болалар йили», 2008 йил «Ёшлар йили», 2010 йил «Баркамол авлод йили» бўлди.

Кўриниб турибдики, соғлом бола масаласи аввал-бошдан мустақил Ўзбекистонимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келди. «Соғлом бола йили» шу йилларда амалга оширилган эзгу ишларнинг мантикий давоми ҳисобланади.

«Соғлом бола» тушунчаси фақат ёш авлоднинг саломатлигини назарда тутмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган «Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш — ёруғ келажакимизнинг асосий омилдир» мавзусидаги маърузасида ҳақли равишда болаларимиз, фарзандларимизни «таянчимиз ва суянчимиз, гуруримиз ва ифтихоримиз» деб атади.

Юртбошимиз ана шу маърузаларида, жумладан, Соғлом бола йилидан кўзланган асосий мақсадларни қуйидаги тарзда аниқ-тиниқ ифода қилди:

- Соғлом бола — аввало, соғлом ва аҳил оиланинг меваси.
- Соғлом болани вояга етказишда соғлиқни сақлаш тизимининг ўрни, таъсири ва масъулиятини ошириш.
- Соғлом болани вояга етказишда таълим-тарбия ва спортнинг ўрни ва таъсири янада кучайтириш.
- Фарзандларимизни соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш давлатимиз, жамиятимизнинг эътибор марказида туриши, олиб бораётган сиёсатимизнинг устувор йўналиши бўлиб қолиши шартлиги.
- Соғлом бола тарбиясида маҳалла ва ижтимоий тузилмаларнинг катта ўрни ва таъсири борлиги, халқимизнинг: «Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она», — деган мақолида чуқур маънонинг мужассамлиги.

Қабул қилинадиган «Соғлом бола йили» Давлат дастурида айнан шу масалалар билан бевосита боғлиқ вазифалар ўртага қўйилади, албатта. Бу эзгу ишлар мамлакатимиз халқининг умумманфаатларини, унинг ривожланган давлатлар сафидан муносиб ўрин олиш, ҳеч қимдан кам бўлмаган жамият барпо этиш каби мақсадларини тўла ифода қилади.

Бизда ҳар йили 600 мингдан ошқин фарзанд туғилаётгани, 30 ёшгача бўлганлар мамлакат аҳолисининг учдан икки қисмини ташкил этиши соғлом бола тарбияси нақадар катта аҳамиятга эга эканини кўрсатади.

Мамлакатимизда соғлом бола тарбиясининг давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлантирилгани Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб берилган позицияларга айнан мос келади. Асосий Қонунимизнинг XIV боби «Оила» деб номланган. У тўрт моддадан иборат.

63-моддада оилага жамиятнинг асосий бўғини

ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТ ҚУДРАТЛИ БЎЛУР...



сифатида қаралиб, жумладан, унга жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқи берилган.

64-модда эса фарзандлар тарбияси борасида ота-оналар, давлат ва жамиятга ўта аниқ масъулият юклайди:

«Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.

Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарнинг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради».

65-моддада фарзандларнинг, ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги ҳамда оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши кафолатланган.

Жамиятда авлодлар алмашилиб туради. Бугунги болалар вояга етиб, эртага жамиятнинг асосий юкни кўтарадиган кишиларга айланади. Ҳадемай ўзлари ота-она бўлади. Бугунги ота-оналар эса кексайиб, отахону онахон бўлади. Бугун биз фарзандларимизни яхши тарбия бериб ўстирсак, эртага кексайган пайтимиз шунинг роҳатини кўраимиз.

Худди шу нарса Конституцияимизнинг 66-моддасида қонунийлаштириб қўйилган:

«Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар».

Биз ота-боболаримиздан мерос тариқасида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ўғитларни доимо ёдда тутишимиз керак.

«Соғлом бола» тушунчаси ўз ичига ҳам жисмоний соғломликни, ҳам маънавий баркамолликни, ҳам маърифий жиҳатдан етуқликни қамраб олади.

Болаларимизнинг жисмоний жиҳатдан соғлом бўлишига эришиш учун мамлакатимизда, жумладан, алоҳида репродуктив саломатлик йўналиши бўйича талай эзгу ишлар амалга оширилди. Бунга жуда кўп масалалар қиради.

Соғлом бола туғилиши учун биринчи галда нималарга эътибор бериш керак?

Аввало, шунинг унутмаслигимиз керакки, соғлом онадангина соғлом бола туғилади. Шунинг учун туғиш ёшидаги оналар саломатлигини мустаҳкамлаш ҳаракатида бўлишимиз лозим. Тиббиёт соғлом бола туғиш учун 20 — 30 ёш оралиғини энг маъқул давр деб ҳисоблайди. Она кейинги фарзандини дунёга келтириши учун орада камида уч йил ўтиши, у саломатлигини тўла тиклаб, кучга тўлиб олиши — шарт.

Кўриниб турибдики, соғлом бола масаласи комплекс вазифаларни аниқлатади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарига бола тарбияси билан боғлиқ қимматли фикр-мулоҳаза, хулоса ва кўрсатмалар берилган:

«...Ҳар қайси ота-она, устоз ва мураббий ҳар бир бола тинимсиз, аввало, шахсни кўриши лозим. — Ана шу оддий талабдан келиб чиққан ҳолда, фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қobiliятига эга бўлган, онгли яшайдиган қомил инсонлар этиб вояга етказиш — таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим, деб қабул қилишимиз керак».

Бизда таълим азал-азалдан тарбия билан чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб борилган. Чунки, тасаввур қилинг, болангиз етарли билим эгалдасан ю унинг тарбияси яхши бўлмаса, мақсад амалга ошмайди. Шунинг учун Юртбошимиз мазкур асарда бу жиҳатдан масалани аниқ-тиниқ қилиб қўяди:

«Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди — бу шарқона қараш — шарқона ҳаёт фалсафаси».

Соғлом болани вояга етказишнинг бирламчи мактаби — оила. Муҳтарам Юртбошимиз ёзганларидек: «...Инсоннинг энг соф ва пок кизи туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади». Масаланинг бошқа томони ҳам бор: «Кўп йиллик илмий кузатиш ва тадқиқотлар шунинг кўрсатадики, инсон ўз умри давомида оладиган барча информациянинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврида олар экан». Беш ёшгача бўлган боласига кўп-кўп информация етказиши учун, аввало, оила аъзолари, биринчи навбатда, онанинг ўзи, шунингдек, мактабгача тарбия муассасаси ходими кўп нарсани билиши зарур.

Хуллас, Соғлом бола йилида халқимиз бу борадаги асрий анъаналарини давом эттириш, замон талаблари асосида такомиллаштириш, асрий қарашларини бир тизимга солиб, ҳаётга таъбиқ этиш билан шуғулланади.

Соғлом бола — юрт таянчи. Эртанги кунимиз бугун фарзандларимизни қай даражада етук, баркамол ва соғлом қилиб вояга етказишимизга бевосита боғлиқ. Шундай экан, «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур», деган ҳикматли сўзининг замирида албатта катта маъно-мазмун мужассам.

Султонмурод ОЛИМ



ДОНИШМАНЛАР ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ ҲАҚИДА

Инсоннинг камолоти жавоҳирлар билан ҳам ўлчанмайди.

Ота-она — болалар учун ибрат.

Инсоннинг эътиқоди — одобини белгилайди.

Кўпчилик бола тарбияси деганда унинг моддий эҳтиёжларини қондиришни тушунади, аслида маънавий-ахлоқий тарбия биринчи ўринда туради.

Фарзанд — ота-онанинг ўзи ҳақидаги сўзи.

Дарахт меваси туфайли азиз, инсон фарзанди билан.

Болани тарбиялаш ва боқиш бошқа-бошқадир.

Фарзанд ота-она учун жондир. Бордию у ноқобил бўлса озори жондир.

Эй фарзанд, агар дунёда доимо тараққий қилай десаң, ҳалол ва софдил бўл.

Кўркам хулқ — икки нарса билан, яъни илм, адаб ўрганиш ва ёмон ишлардан сақланиш билан топилади.

Илмдан қудратлироқ куч йўқ, билим билан қуролланган одам енгилмасдир.

Ўқиш, ўрганишда марди майдон бўл! Сенинг қадрқимматинг — ўз имкониятларингдан тўла фойдаланиб ўқишингдир.

Ўқишда, меҳнатда, фанда, халққа астойдил хизмат қилишда инсон ўз бахтини топади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ФУҚАРОЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Фуқаро (ташкilot)ларнинг Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳамда Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати ходимлари билан биргаликда ишлаш жараёнларида, бошқарма ва хизмат ходимлари томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйилишининг олдини олиш ҳамда бу каби ҳолатлар юзга келганда тезкор чора-тадбирлар кўриш, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонун билан ҳимояланган ҳуқуқ ва манфаатлари поймол бўлмаслигини таъминлаш, шунингдек, бошқарма ва хизмат фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан маълумотлар қабул қилиш мақсадида, юридик ва жисмоний шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатувчи «ишонч телефони» тизими жорий этилди.

Ишонч телефони рақами: 239-35-21. Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси раҳбарияти

«Камолот»

БОЛА КУЛГУСИ ДУНЁНИ ТЎЛДИРСИН

Чилонзор туман ҳокимлигида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда «Камалак» болалар ташкилоти туман бўлимлари томонидан «Бир гуруҳ соғлом бола кулгуси дунёни тўлдирсин» номи ёшлар форуми ўтказилди.

Унда туман ҳокимлиги, «Камолот» ЕИХ ва «Камалак» болалар ташкилоти ҳамда таълим муассасаларидан вақиллар иштирок этишди.

Мазкур тадбирни уюштиришдан кўзланган асосий мақсад «Ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастури»нинг ижросини таъминлаш ҳамда ҳаракатнинг бошланғич ташкилотлар фаолият самарадорлигини янада ошириш, етакчиларнинг ёшлар билан ишлаш кўникмаларини тақомиллаштириш, илгор тажрибаларини оммалаштириш ва намунали фаолият олиб бораётган бошланғич ташкилотлар етакчиларини рағбатлантириш, тумандаги махсус мактаб-интернат тарбияланувчилари, ижтимоий-тиббий кўмакка муҳтож бир гуруҳ бола-

ларни янги йил байрами билан қутлашдан иборат.

Тадбир давомида «Камолот» ЕИХ туман Кенгашининг 2013 йилдаги фаолияти сарҳисоб қилинди. Шунингдек, Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда ёшлар камолоти йўлида яратилган шарт-шароитлар ва имкониятларни ўзида акс эттирган видеоролик намойиш этилди. Маданий дастурдан болажонларнинг шўх рақслари, куй ва кўшиқлар ўрин олди. Шунингдек, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши томонидан 2013 йилда намунали фаолият олиб борган бир гуруҳ бошланғич ташкилот етакчилари ҳамда ҳамкор ташкилотлар, таълим муассасалари раҳбарлари йўналишлар бўйича тақдирланди.

Ҳабиба ЙУЛДОШЕВА

Пойтахтимиздаги Лаъл Баҳодир Шастри номидаги Ҳиндистон маданият марказида «Ҳиндистон: Ўзбекистон ёш рассомлари нигоҳида» мавзусида анъанавий кўрик-танлов ва кўргазма ўтказилди. Тадбир «Ўзбекистон — Ҳиндистон» дўстлик жамияти, Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

«Ўзбекистон — Ҳиндистон» дўстлик жамияти раисининг ўринбосари Ортикали Қозоков, Ҳиндистон маданият маркази директори Ражеш Мехта ва бошқалар Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳалар қатори маданий-маърифий соҳада ҳам изчил ривожланаётганини алоҳида таъкидлади.

«Ҳиндистон: Ўзбекистон ёш рассомлари нигоҳида» кўрик-танловдан кўзланган асосий мақсад мамлакатларимиз ўртасидаги маданий-маърифий алоқаларни

ҲИНДИСТОН ЁШ РАССОМЛАР НИГОҲИДА

янада ривожлантириш ва кенгайтиришдан иборат. Бир ой давом этган танловга профессионал ва ҳаваскор мусаввирлардан элликдан ортиқ тасвирий ва амалий санъат асари тақдим этилди. Танловда биринчи ўрин «Ҳаёт шажараси» мавзусидаги

декоратив кулолчилик ишлари учун Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси Хуснора Илхомжоновга берилди.

Нодира МАНЗУРОВА, ЎЗА мухбири

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАР

Тошкент Алоқа касб-ҳунар коллежида «Қутуриш касаллигининг олдини олишда тегишли хизматларнинг вазифалари» мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди.

Тадбирда Республика Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Ветеринария илмий-тадқиқот институти ва шаҳар қаровисиз ҳайвонларни тутиш махсус бўлимлари ходимлари иштирок этиди.

Семинарда қаровисиз итлар ва бошқа ҳайвонларнинг қутуриш касаллиги эпидемиологияси ва эпизо-

отологияси, қутуришнинг олдини олиш йўллари, қаровисиз қолган ҳайвонларни тутиш ва сақлаш чора-тадбирларини ташкил этиш билан боғлиқ амалдаги ҳужжатлар талаблари ҳамда уларнинг ижроси ҳолати ҳақида сўз борди.

Тадбир қизгин савол-жавобларга бой тарзда ўтди.

Зафар НАЗАРОВ



Кумуш қишнинг зийнати

Ислон Исмоилов олган суратлар



БИОГАЗ – ТОЗА ИССИҚЛИК МАНБАИ

Ҳар бир деҳқон ёки фермер хўжалигида катта миқдордаги гўнғ, ўсимликлар қолдиқлари ва бошқа турли чиқиндилар бўлиши одатий ҳол. Аммо гўнғ ва гўнғ суюғи атроф-муҳитни ифлослантиради. Янги гўнғнинг далаларга солиниши эса ерости сувларининг заҳарланишига, ернинг зарарли микроорганизмлар билан ифлосланишига олиб келади.

Тадқиқотларга кўра, гўнғ чириши натижасида атмосферага кўп миқдорда метан ва газ ажралиб чиқади. Бошқача айтганда, 1 тонна метан газининг атмосферага чиқарилиши 21 тонна карбонат ангидридга тенг. Шунга қарамай, 1 тонна чорва гўнғидан тахминан 300 м³ газ олиш мумкинлигини ҳам эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Демак, бизнинг шароитимизда истиқболли порлоқ, иқтисодий ва экологик тоза иссиклик манбаи — бу биогаз.

Биогаз қурилмаси ёрдамида олинган ушбу муқобил энергия — билан фермер ва чорвадорнинг уйини, фермасини, ҳатто кичик иссикхоналарни иситишда ҳам бемалол фойдаланиш мумкин. Бинобарин, дастлабки ҳисобларга кўра, биогазнинг потенциали фақатгина чорвачилик чиқиндилари бўйича 8 миллиард м³дан ортқидир.

Эътиборли жиҳати, биогаз қурилмалари натижасида олинган ўғитда озуқа моддалари одатдаги гўнғдагига нисбатан 15 фоиз ортади. Унда гелиминтлар, касаллик тарқатувчи бактериялар ва ёввойи ўтларнинг уруғлари бўлмайди. Бундай ўғит ҳар қандай ерга, ҳар қандай ўсимлик учун ҳар қандай вақтда ишлатилиши мумкин. Бундай ўғитнинг 1 килограмми самарадорлиги жиҳатидан 100 килограмм оддий гўнғга тенглаша олади. Ўғитнинг кимёвий-физикавий хусусиятлари тупроққа кўшилиш учун ўғитни қўйиладиган агрохимёвий ва экологик талабларга тўла жавоб беради. Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида бундай ўғитдан гўмус ўрнида фойдаланилади.

Бир қатор мамлакатлар, хусусан, Хитойда ҳозирги кунда биоқурилмалардан кенг фойдаланилмоқда. Мамлакатда бугунги кунда йилига 14 миллиард м³ биогаз ишлаб чиқарилади. Ҳозир Хитой 20 дан ортқ мамлакатга биогаз ва шу асосда ишловчи двигателларни экспорт қилмоқда. Мутахассисларнинг фикрига кўра, ХХР биогаз ишлаб чиқариш бўйича шу ўсиш суръатини сақлаб қолса, 2020 йилга келиб соҳада етакчи мамлакатга айланади.

Бу борада мамлакатимизда ҳам кенг қўланишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳозирги кунда ушбу технолождан Сирдарё, Хоразм, Қашқадарё, Тошкент, Наманган вилоятларида кенг фойдаланилмоқда, қолган вилоятларда ҳам уни жорий этиш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

Амалиёт шуни кўрсатадики, биоўғитлардан фойдаланиш балиқ етиштириладиган ҳовузолардаги санитария-гигиеник ҳолатнинг сезиларли яхшиланишига олиб келади. Биогаз қурилмаларида қайта ишланган гўнғ яхши озуқа ҳисобланади — унда фойдали макро ва микроэлементлар, азот, фосфор ва калий парчаланган, осон ўзлаштириладиган ҳолатга ўтган бўлади. Бундан ташқари, биогаз қурилмаларида қайта ишланган гўнғда табиий ўстириш стимуляторлари (ауқни) пайдо бўлиши кузатилади.

Мухтасар айтганда, биогаз технологияларини ҳаётга татбиқ этиш атроф-муҳит тозаллигини сақлаш, шу билан бирга, иқтисодий ривожланишда янги ютуқларга эришиш имкониятини беради. Ҳар бир фермер ва чорвадор чиқиндиларни қайта ишлаш орқали газ, электр энергияси ва минерал ўғит оладиган бўлса, қанчадан-қанча сарф-харajatларини тежаб қолишга эришади.

Фармонбек МАТНАЗАРОВ,
«Туркистон-пресс»

Шахмат

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Мамлакатимиз шахматчилари Буюк Британия ва Ҳиндистонда ўтказилаётган нуфузли турнирларда муваффақиятли иштирок этмоқда.

Англиянинг Гастингс шаҳрида 89-маротаба ташкил этилган «Hastings Masters» шахмат фестивалида дунёнинг йигирмадан ортқ мамлакатидан юз нафарга яқин шахматчи ўзаро рақобатлашмоқда. Швейцарча усулда тўққиз турдан иборат бўлган мусобақада юртимиз шарафини химоя қилаётган халқаро тоифадаги спорт устаси Жаҳонгир Воҳидов пешқадамлар сафида бормоқда.

Истеъдодли ёш шахматчимиз турнир давомида сербиялик ФИДЕ устаси Йовица Радованович, германиялик Мартин Шустер, украиналик Пётр Марусенкони мағлубиятга учратиб, хитойлик гроссмейстер Кун Ма ва англиялик ФИДЕ устаси Роберт Эмес билан дуранг ўйнади. Ҳозирча олти партиядан тўрт очко жамғарган ҳамюртимиз мусобақа пешқадами грузиялик гроссмейстер Михаил Мchedlishviliдан бир очкога ортда.

Ҳиндистоннинг Гургаон шаҳри мезбонлик қилаётган халқаро шахмат турнирида ўн мамлакатдан 250 нафардан зиёд шахматчи иштирок этмоқда.

Учинчи тур якунларига кўра, ҳамюртимиз Улуғбек Тиллаев барча рақиблари — Ҳиндистонлик Пуния Манжит, Сид Дхарт ва ўзбекистонлик гроссмейстер Марат Жумаев устидан зафар кучиб, пешқадамлар сафида бормоқда. Мағлубиятсиз дона сураётган Акмал Файзуллаев мезбон шахматчилар Чаухан Жаянт, Ананд Саурабхни енгиб, Ани Абхишек билан дуранг ўйнади ва икки ярим очко билан пешқадамларни таъбиқ этаёттир.

Турнирда Марат Жумаев, Бобур Сатторов, Фарид Хурсанова, Сарвиноз Курбонбоева ҳисобида иккитадан ва Отабек Ороловда бир очко бор.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ,
ЎЗА муҳбири

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ИХЛОСМАНДЛАРИ БЕЛЛАШДИ

Шаҳримизда «Energy Fitness» спорт клубининг фаолият бошлаганига бир йил тўлаётган бўлса-да, ҳозир бу ерда кўплаб соғлом турмуш тарзи тарафдорлари машғулотларда қатнашиб, ўз саломатликларини мустаҳкамламоқдалар.

Ушбу спорт клубида турли-туман мусобақалар ҳам ўтказиб турилади. Жумладан, яқинда клубнинг янги аъзолари иштирокида «Мастер чемпион» номи мусобақалар бўлиб ўтди. Унда жами 46 киши ўз имкониятларини синаб кўрди. Уларнинг ҳар бирига штангани ётган ҳолда кўтариш учун утадан имконият берилди. Энг муҳими, қатнашчилар ўзлари учун мос бўлган оғирликдаги штангани танлаб олишлари мумкин эди.

Бу ҳар бир иштирокчининг ўз иродасини синаб кўриши учун ҳам ўзига хос имконият эди. Баъзиларнинг техник жиҳатдан нуқсонлари бўлсада, бироқ ўз кўрсаткичларини яхшилашга интилдилар. Зеро, мусобақанинг жўшқинлиги ва галаба қозониш истаги ҳамма нарсадан устун эди.

Кўрсатилган натижалар ҳисобиктоб қилинганидан сўнг ғолиблар аниқланиб, медаллар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.



Клуб маъмурияти режаларидан қизлар ўртасида ҳам мусобақалар ташкил этиш ўрин олган.
Дилмурод ИСМОИЛОВ
Алексей Попов олган сурат

Юрак-қон томир касалликлари ҳозирги вақтда табиётнинг долзарб масалаларидан бўлиб келмоқда. Юрак бир дақиқа ичида тинч ҳолатда 5,0 литр, сутка давомида эса 7 тонна қонни ҳайдайди ва шу сабабли юрак мушакларига қонни керакли миқдорда етказиб бериш жуда катта аҳамиятга эга.

Афсуски, ёши катта бўлган сари томирларда атеросклероз ҳисобида атеросклеротик пиллақчалар пайдо бўлади ва улар юрак мушакларига қон етказиб берилишига тўсқинлик қилади. Натижада юрак мушакларида қон айланиши бузилиб, ишемия белгилари пайдо бўлади.

Атеросклеротик пиллақчаларнинг пайдо бўлишига қуйидаги хавф омиллари сабаб бўлади:

- қонда холестерин миқдорининг кўтарилиши;
 - семизлик — ортқча тана вазни;
 - чекиш;
 - спиртли ичимликларни истеъмол қилиш;
 - қандли диабет касаллиги;
 - бетартиб овқатланиш;
 - салбий психологик омиллар.
- Юқоридаги кўрсатиб ўтилган омиллар юрак ишемик касаллигининг ривожланишига олиб келади.

Юрак-қон томир касалликларининг 80 фоизини юрак ишемик касаллиги (ЮИК) ташкил қилади. ЮИКнинг 2 турига аҳамият беришимиз керак:

- Номуқобил стенокардия.
- Миокард инфаркти касаллиги.

Номуқобил стенокардия касаллиги кўпинча зўриқиш стенокардияси бор шахсларда учрайди.

Зўриқиш стенокардияси касаллигида беморлар асосан тўш соҳасидаги анишувчан, сиқувчи оғриқдан шикоят қилишади. Бундай оғриқлар кўпинча ҳаракатда, жисмоний зўриқишда, қаватларга кўтарилишда, тўйиб овқат истеъмол қилганда пайдо бўлади. Оғриқлар ҳаракат, зўриқишлар тўхтаганидан сўнг, тил остига нитроглицерин таблеткасини қўйганда ўтиб кетади. Агар бу муолажалар ёрдам бермаса, оғриқлар зўрайиб номуқобил стенокардия ҳолатига олиб келади.

Номуқобил стенокардия — бу стенокардия хуружининг тинч ҳолатда пайдо бўлиши, оғриқни нитроглицериндан

ўтмаслиги, нафас сиқиши, ҳаво етишмаслик, оғриқни тананинг маълум бир қисмига узатилиши билан (ўнғ қўл, чап қўл, чап курак, жағ, қорин соҳага...) кузатилади. Оғриқнинг давомилийлиги 15 дақиқадан кўпроқ давом этиши билан характерланади. Бундай ҳолатларда беморнинг қариндошлари тез ёрдам машинасини чақиртириб, яқин ўртадаги касалхона

нага етказиб олиб бориши лозим.

Миокард инфаркти — тўсатдан бошланадиган жиддий юрак ишемия касаллиги бўлиб, бу касаллик юрак мушакларининг қон билан етарли таъминланмаслиги натижасида пайдо бўлади. Атеросклеротик пиллақчалар аста-секин қоронгар қон томирларни тораيتиради, қон оқими пасаяди ва қон томирни қон латхаси аталмиш «тромб» беркитиб қўяди. Натижада юрак некрозга учрайди. Миокард инфарктида беморни қуйидаги шикоятлар безовта қилади:

- тўш соҳасида кучли анишувчан оғриқлар;
- оғриқнинг чап қўл, чап курак, жағларга, қорин соҳасига ўтиши;
- совуқ тер чиқиши, ҳаво етишмаслиги, нафас сиқиши, баъзан куруқ йўтал;
- ўринда ёта олмаслик, беҳаловатлик;
- оғриқнинг узок давом этиши.

Бундай ҳолатларда зудлик билан тез ёрдам машинасини чақиртириш лозим. Беморни ортқча харакатлантирмасдан ётқизиб қўйиш, тез ёрдам келгунча нитроглицерин таблет-

касида биттасини тил остига бериш, оғриқни қолдирувчи инъекциялар, аналгин муолажаси қилиниши мумкин. Кардиомагил 150 мг 1 таблеткасини ичириб қўйса зиён қилмайди. Бундай ҳолатда шифокорга мурожаат қилинмаса, беморнинг аҳоли оғирлашиб ҳар хил турдаги оғир асоратларга, шунингдек, ўлимга ҳам олиб келиши мумкин. Бундай янгли ҳолатларнинг содир бўлмаслиги ва юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш учун қуйидагиларга аҳамият бериш зарур:

- 1.Чекишни ташлаш — чекувчиларда чекмайдианларга нисбатан икки баробар кўп юрак-қон томир касалликлари учрайди.
 - 2.Кам ҳаракатлилик билан курашиш, мунтазам равишда жисмоний тарбия билан шуғулланиш, кўпроқ пиёда юриш.
 - 3.Семизлик билан курашиш.
 - 4.Тўғри овқатланиш — кам-камдан 4-5 маҳал овқатланиш, орасида енгиллаштирувчи парҳез кунларни ўтказиш. Қанд, шоколад, кофе, кока-кола, турли газли ичимликлар, кремли пиширликларни чегаралаш, кўпроқ хўл мева, сабзавотларни истеъмол қилиш лозим. Хайвон ёғига бой маҳсулотларни кескин камайтириш, қора ундан тайёрланган нон маҳсулотларини истеъмол қилиш керак. Таомларнинг тузини пастроқ қилиш, хот-дог, гамбургер, музқаймоқларнинг истеъмол қилиниши, балиқ ва балиқ ёғи маҳсулотларини ҳафтада бир маротаба истеъмол қилиб туриш талаб этилади.
 - 5.Салбий психологик эмоцияларни четлаб ўтиш, асабийлашмаслик, ҳаяжонланмаслик.
 - 6.Қандли диабет ва гипертония касаллиги бор беморлар ўз вақтида дори-дармонларни ичиши, шифокор қабулида тез-тез бўлиб туриши, тиббий кўриқлардан ўтиб туриши лозим.
 - 7.Наслада ўткир миокард инфаркти, юрак касалликлари билан оғриган беморлар бўлган шахслар бу тавсияларга янада жиддий аҳамият беришлари лозим.
- Юқорида айтиб ўтилганларга ҳулоса қилиб шуни таъкидлаб ўтмоқчимизки, инсоннинг соғлиги асосан шифокорнинг эмас, беморнинг ўз қўлида. Фақатгина шифокорнинг маслаҳатларига сўяниб қолмай, бемор соғлом яшаш турмуш тарзига ва юқорида айтиб ўтилган тавсияларга риоя қилса-хар қандай юрак-қон томир касаллигини четлаб ўтиш имкони кўпроқ бўлади.

Н. Юлдашева,
олий тоифали шифокор



Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонар: 233-28-95,
факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамитига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида тёрилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзили:
vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 156

Душанба, сешанба, chorshanба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 Босма табоқ, офсет усулида босилади.
12877 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул
Д. Исроиллов

Босишга топширилди: 15.20

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳисоаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ